Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбекистон тили ва адабиёти институти

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI

1 / 2023

Scanned with ACE Scanner

O‘ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

1
2023

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2023

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Максуд АСАДОВ
Раҳматулла БАРАКАЕВ
Ғулом ИСМОИЛОВ
Наим КАРИМОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Сувон МЕЛИ
Ёркинжон ОДИЛОВ
Манзура ОТАЖОНОВА
Эргаш ОЧИЛОВ
(масъул котиб)
Гулчеҳра РИХСИЕВА
Шомирза ТУРДИМОВ
Боқижон ТЎХЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алмаз УЛВИЙ
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ
Бердак ЮСУФ
Улуғбек ҲАМДАМОВ
Хайрулла ҲАМИДОВ

Scanned with ACE Scanner

МУНДАРИЖА

Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги

М.Асадов. Навоий қитъаларида тимсол ва маъно уйғунлиги.....3
Қ.Эргашев. Алишер Навоий асарларида комил инсон тушунчаси.....10
С.Рафиддин. "Девони Фоний"нинг нашрлари ҳақида.....15
Э.Очилов. Навоий ва Ғарибий.....22
Ф.Каримова. Дебочанавислик: анъана ва ўзига хослик.....31
Н.Жўрақулова. "Лисон ут-тайр"да *эр* ва *эран* образининг бадиий талқини...35
М.Оманова. Алишер Навоий образи Исажон Султон талқинида.....39
М.Ҳакимов. Жамол Камол шеърларида Алишер Навоий сиймоси.....43
К.Улуғмуродова. Лайли образининг генезиси ва тадрижий такомили.....49

Тилшунослик

М.Сапарниязова. Ўзбек ономастикаси тараққиётида эргонимлар тадқики ва таснифи.....53
Ю.Жаббарова. Қариндошлик категориясини ўрганишнинг этнолингвистик тамойиллари.....59

Адабиётшунослик

Р.Баракаев, Ж.Лутфуллаев. Ўзбек болалар насрининг пешвоси.....66

Илмий ахборот

Б.Ражабова. Бобур рубоийларининг бадиий хусусиятларига оид.....81
О.Ҳамроева. Туркий қофиянинг ўзига хос хусусиятлари.....86
С.Авезов. Бухоро болалар ўйин фольклори бадиияти.....91
А.Эшниязова. Тарихий асарда замон ва макон таносиби.....96
М.Имомалиева. Амирий ижодида ойина тимсоли.....100
Н.Турсунова. Мукимий ижодида муболаға санъати.....106
С.Раимова. Жомий "Арбаин"и таржималари.....110
Б.Раҳмонов. Сурхондарё шевалари таснифи.....111
Н.Эркинова. Э.Шукур шеърларида коннотация ва бадиийлик.....115
Х.Нарходжаева. Расмий нутқий мулоқотда адресант ва адресат омили.....120
Р.Мадаминова. Қорақалпоғистон ҳудудидаги туркий халқларнинг этнолингвистик хусусиятлари.....124
Э.Яхшиева. Ўзбек тилидаги педагогикага оид айрим терминлар.....127

Танқид. Тақриз. Библиография.

Г.Абдуллаева. Бокий васиятномалар.....132

Scanned with ACE Scanner

аҳлига муносабати таърифланади. Лекин шоир дебочада ўз ижоди, яратган асарлари, устозлари ҳақида ҳеч нарса демайди. Бу ўринда дебоча (яна шеърий дебоча) битиш мураккаблигини, уни ҳар бир шоир ўз салоҳияти даражасида яратишини, шунингдек, адабиёт тарихида анъаналарнинг тўла сақланган ҳоллари ва айрим пайтларда бузилган ҳолатлари ҳам учрашини кузатиш мумкин.

Форс-тожик ва ўзбек адабиёти тарихида яратилган девон дебочаларининг аксарияти насрий услубда битилган. Дебочалардаги насрий баён давомида фикрларни далиллаш, изоҳлаш, давом эттириш, таъкидлаш каби турли мақсадларда истифода этилган шеърий парчалар мавжуд. Шунингдек, ўзбек адабиётида Шавқий, Нодир-Узлат ижодида шеърий дебочалар ҳам учрайдики, бу Навоийдан кейинги даврда яшаган ўзбек шоирлари девонга дебоча битиш анъанасига ижодий муносабатда бўлганликларини кўрсатади. Бу ўзига хосликнинг бир қирраси сифатида шеърий дебочалар яратилганлиги дебочанавислик тарихида характерли ҳолдир.

Умуман, шеърий услубда битилган дебочалар шоирнинг таржимаи ҳоли, ижоди, улар яшаган давр ва бошқа масалалар хусусида муҳим маълумотлар бериши билан бирга, уларнинг шеърий маҳорати қирраларининг юксаклигидан ҳам далолат беради.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Навоий дебочанавислиги анъаналарига ижодий муносабат Шавкий дебочаси мисолида ёритилган. Шеърий услубда ёзилган дебочалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье на примере дебоча (вступление) Шавки освещён вопрос творческого отношения к дебоча Наваи. Обсуждены стихотворные вступления и их характерные особенности.

RESUME. The article focusses on the creative attitude to the traditions of Navai's preludes in the example of Shavky's introductions. Poetic introductions and their characteristic features are discussed.

Таянч сўз ва иборалар: дебочанавислик, анъана, ўзига хослик, насрий дебоча, шеърий дебоча, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: традиция написания дебоча (вступление), традиция, своеобразие, прозаическое вступление, поэтическое вступление, мастерство.

Key words and word expressions: introduction, tradition, originality, prosaic and poetic prelude, mastery..

Насиба ЖЎРАҚУЛОВА

"ЛИСОН УТ-ТАЙР"ДА *ЭР* ВА *ЭРАН* ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиётида ориф, фақир, дарвеш, ошиқ, соқий, ринд, ғариб каби қатор образлар маънавий камолот тимсолларини тамсил этади. Ана шундай рамзу тимсоллар орасида эр ва эран образлари ҳам қадимийлиги, ҳам миллий хусусиятларни ўзида ёркин акс эттириши билан характерлидир. Эр ёки эран бадиий адабиётда эл-юрт ҳимоячиси, комил муршид, тариқатда манзилга етган солик маъноларида қўлланган.

Scanned with ACE Scanner

Ирфоний адабиётда эса Эр нафсига ҳоким бўла олган улуғ зотдир. Тасаввуфшунос олим Сулаймон Улудоғ ўзи тартиб берган луғатда эр, эран сўзларини Оллоҳ одами, қаҳрамон, тажрибали киши, шайх, валий, муршид маъноларида келишини айтиб, уларга Яратган ризолигига лойиқ бўлган, одамларга раҳбарлик қила оладиган фидокор ва жўмард зотлар, дея таъриф беради[1]. Жумладан, Аҳмад Яссавий бу ҳақда бир ҳикматида шундай дейди:

Ҳақ ризосин билганларга ҳамроҳ бўлдум,
Эранларни хизматида ҳурни кўрдум.
Қул Яссавий, кеч уйғондинг деб ойдилар,
Эранларни пандин олиб, йўлни кўрдум[2].

Алишер Навоий ижодида ҳам эр, эран образлари алоҳида мавқега эга. Айниқса, "Лисон ут-тайр"да тариқатга кириш орзусидаги, аммо йўл машаққатидан хавотирга тушиб, ортга чекинмоқчи бўлаётган қушларга Ҳудҳуд томонидан эрлик мақоми ибрат қилиб кўрсатилади. Аниқроғи, достонда нафсу ҳаво қутқуларидан таҳликага тушган заиф кимсаларга қарама-қарши ўлароқ баланд шахсият эгалари эр номи билан улуғланади. Товус ва Тазарв қушларининг турли баҳоналарига жавобан доно Ҳудҳуднинг ҳикматомуз фикр-қарашлари баён қилинади:

Одам ўлгон зеби зоҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар – одам эмас.
Ноз ила ҳусн ўлди шоҳидлар иши,
Дарду меҳнат бирла хуштур эр киши[3].

Навоий сохтакорлик, юзакилик, зоҳирпарастлик – зеб-зийнатга ўчликни кескин қоралайди. "Зеби зоҳир" – ўткинчи зийнатларга ўч кишилар охир-оқибат эл-улус олдида масхара бўлишини Ҳудҳуд тилидан таъсирли ифода этади. Уларга ибрат ўлароқ, достонда эр номи келтирилади. Эр тимсоли умр асосини ахлоқ гўзаллиги ҳамда комиллик тарикида деб билган уйғоқ ва огоҳ одамларни тамсил этади. Навоийнинг фикрича, асл зийнат адаб, эзгу хулқ ва пок сийратдир:

Зевар кишига не тожу, не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил,
Ҳар кимки адабсиздур, ишин абтар бил,
Алқисса, эранларга адаб зевар бил (10,50).

Ҳусайн Воиз Кошифийга кўра, адабнинг маъноси ёмон сўздан ва бефойда ишдан нафсни тийиш, ўзининг ҳамда бошқа кишиларнинг иззатини

[1] Улудоғ С. Тасаввуф истилоҳлари сўзлиги. – Истанбул, 1995, 115-бет.
[2] Хожа Ахмад Яссавий. Девони ҳикмат (Нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул, Н.Ҳасан). – Тошкент: "Наврўз", 2018, 252-бет.
[3] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, Х жилдлик, 9-жилд. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги НМИУ, 2013, 56-бет (Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда жилди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Н.Ж.).

Scanned with ACE Scanner

сақлаб, обрўсини тўкмасликдир[4]. Руҳ соғлиги эса нафсни хор қилиш, моҳиятга интилиш, Оллоҳ сифатларини тафаккур қилиш натижасида пайдо бўладиган орифлик мақоми саналади. Қумри қушининг ҳадик ва қўрқувига Ҳудҳуд эрлик феъл-атворини мадҳ этиш билан жавоб беради:

Эр эсанг, мақсуди асли истабон,
Йўлға кирсанг ёр васли истабон.
Ўлсанг ўл йўл ичра ранжу дард ила,
Жисму зору жони ғампарвард ила (9,61).

Эрлик чин мусулмонлик, таслимият ва ризо билан Ҳаққа таваккул қилиш, умуман олганда, икки дунё саодатига эришмоқдир. "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида Эрга шундай таъриф келтирилган: "Ҳар ким ҳар вақтда афъол ва ақвол ва аҳволин китоб ва суннат мезони била вазн қилиб, рост қилмағай, ул кишини эр демасбиз" (10,124). Демак, Эр иймон-эътиқодли, тақводор, олийҳиммат валий зотларни англатади. "Лисон ут-тайр"да Шунқор қушлар ҳукмдори, лекин унинг шоҳлиги гадоликдан бошқа нарса эмас, сабаби унинг қуллиги дунё ҳою-ҳаваслари билан бевосита боғлиқ. У подшоҳлик тожи ва амал-мартабаси билангина ҳукмдор номини олган, холос. Шунқорнинг шоҳлик иддаоси мана бу парчада аниқ ифодаланган:

Хўб эмас бир шаҳ қўйуб бошига тож,
Ўзга шаҳға зоҳир этмак эҳтиёж.
Шоҳлиг ойинига рожеъ бўлай,
Невчун ўзга шоҳға тобеъ бўлай (9,72).

"Эрман" дейиш билан эрлик мақомига юксалиб бўлмайди. Инсондаги энг қадрли хислат ҳилм ва тавозе, асло хушланмайдиган иллат эса манманликдир. Подшоҳ сўзию амали бир бўлган, ҳамида ахлоқли, қалби юмшоқ инсон бўлиши керак. Шундай раҳбаргина эр номига лойиқ бўлади, – дейди Ҳудҳуд:

Буки шаҳлиққа таҳаввурдур санга,
Бас ажаб ботил тасаввурдур санга.
Ҳар киши эрмен дебон эрму бўлур,
Келмас ишин илкидин дерму бўлур (9,73).

Одамийлик талабида йўлга чиққан "қушлар" – толиблар ахлоқи замималардан бирма-бир покланиб борар экан, муршид Ҳудҳуд билан савол-жавобга киришадилар. Жумладан, бир қушнинг умри давомида тирикчилик ташвишлари билан оворао сарсонлиги, шодлигу қувончдан буткул бебаҳра экани хусусидаги иқрорига Ҳудҳуд эранлар тариқи мисолида жавоб қайтаради:

[4] Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи муҳсиний. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2019, 29-бет.

Scanned with ACE Scanner

Бўйла водий қатъида беиштибоҳ,
Ғамни этмишлар эранлар зоди роҳ.
Йўл ғами келмиш эранларнинг иши,
Йўлда ғамсизни киши демас киши (9,168).

Унга кўра, фоний дунёда ғам икки турли бўлади: олам ғами ва йўл ғами, яъни инсон номига лойиқ бўлишга интилиш. Олам аҳли дунёнинг ўткинчи орзу-ҳаваслари билан андармон, аҳли хослар – эрларгина Яратган ёди билан уйғоқдирлар:

Йўл ғамидур мақсаду мақсуд учун,
Ким ер ул ғамни кўнгил беҳбуд учун.
Ондаким йўқтур бу ғам- эр эрмас ул,
Зод ғамидин топти қатъ этган бу йўл (9,169).

Достонда заифлик, кучсизлик ва қўрқоқлик каби иллатларнинг давоси ҳақиқий ишқ экани айтилиб, мисол тариқасида Шайх Абусаид Абулхайр ҳақидаги ҳикоят келтирилган. Шайх куну тун бедор, васл умидида бир чуқурликда то тонггача сарнигун осилиб туради, охир-оқибат кўзидан томчилаб қон оқиш даражасигача етади. Шайхнинг жисму жони азобдан "наҳифу мустаманд" бўлса-да, аҳдидан қайтмайди. Кўринадики, эрликнинг яна бир гўзал фазилати чин ошиқликдир:

Ишқ аро будир эранларнинг иши,
Ўлмайин топмас бу давлатни киши (9,140).

Ишқ аро ўлмоқдан мурод ирфоний адабиётнинг асл моҳиятини ташкил этадиган "Муту қоблан ан тамуту" – "Ўлмасдан бурун ўлинг" ҳадиси шарифидир. Бу қудсий ҳадис сўфийлар маслагида нафсни ўлдирмоқни тамсил қилади. Шайх Нажмиддин Кубро бундай улуғ хислат илк бора ҳазрати Абу Бакрга насиб бўлганини айтиб, яна бир ҳадисни мисол қилиб келтиради: "Ким тириклар орасидаги ўликни кўрмоқ истаса, Абу Бакрга қарасин. Унинг вужуди тирик, нафси ўликдир"[5]. Орифлар, сиддиқлар мартабаси ҳисобланган нафси мардиянинг энг асосий сифатларидан бири ҳам Оллоҳ таолодан бошқани тарк қилмоқ, яъни фановашликдир. Бу эса чин Эранлик мақоми ҳисобланади:

Улдур эркким, салб этиб нафсоният,
Ғолиб этгай зотиға руҳоният.
Ҳар кишида бу шараф биззот эрур,
Ул киши поку шариф авқот эрур (9,144).

Умуман олганда, эр ва эран "Лисон ут-тайр" достонида тариқат манзилига етган солик, озод ва ҳур комил инсон тимсоли саналади. Мумтоз адабиётда аксарият ижодкорлар етуклик мартабасини эр номи билан боғлаганлар. Эрликка мусаллам бўлиш қанчалик машаққатли бўлмасин,

[5] Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, А.Бектош. – Тошкент: "Моваройнаҳр", 2004, 10-бет.

Scanned with ACE Scanner

умрни ҳақиқий эрларга хос жўмардлик билан ўтказишга интилиш матмуъ амал деб тушунилган. Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" достонида эр ва эран тимсоли билан мумтоз адабиётдаги ана шундай анъанани давом эттирган, десак асло хато бўлмайди.

РЕЗЮМЕ. Маълумки, эр, эран номи мумтоз адабиёт намуналарида комиллик рамзи, жўмард, танти, ахий зотларнинг умумлашма сиймоси ҳисобланади. Улар тариқатда манзилга етган солик, Ҳақ ризосига лойиқ бўлган улуг авлиёлар ҳисобланади. Мазкур мақолада "Лисон ут-тайр" достонидаги комиллик талқини ҳамда эр, эран образининг маънавий-ахлоқий мартабаси хусусида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ. Как известно, слова *эр, эран* в классической литературе являются символом совершеноости, обобщающим образом великодушных, благородных личностей. В тарикате это последователи, достигшие своей цели, святые, удостонные милости всевышного. В данной статье речь идёт об интерпретации совершенства в "Языке птиц", а также духовно-нравственном статусе образов *эр, эран*.

RESUME. It is known that the name er, eran is a symbol of perfection in classic literary examples, and a generalization of jomard, tanti, and akhi breeds. They are the great saints who have reached the destination in the tariqat and deserve the approval of the Truth. In this article, the interpretation of perfection and the spiritual and moral career of the image of the husband, eran in the epic "Lison ut-tyre" is discussed, and the content and essence of the status of the husband is focused on the analysis of the story.

Таянч сўз ва иборалар: нафс, руҳият, ҳиммат, зоҳир ва ботин, ишқ, таваккул, тарк.

Ключевые слова и выражения: корысть, духовный мир, щедрость, внутренний и внешний мир, страсть, риск, отчуждение.

Key words and word expressions: nafs, spirituality, effort, external and internal, love, trust, abandonment.

Мубор ОМАНОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИ ИСАЖОН СУЛТОН ТАЛҚИНИДА

Глобал тараққиёт даврида Алишер Навоийнинг бағрикенглик, меҳр-оқибат, огоҳлик, элсеварлик, халқлар дўстлиги сингари қадриятларга йўғрилган умумбашарий ғояларининг жамият маънавий юксалишидаги ўрни ва қадри тобора ошиб бормоқда. Шу боис унинг шахсияти ва ижодий мероси янгича илмий қарашлар ва ёндашувлар асосида тадқиқ ва тарғиб этилмоқда. Ўзликни англатиш, инсон маънавиятини юксалтириш, умуминсоний ғоялар асосида ёшларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Адибларимиз ҳам барча даврларда бу эзгу ишга муносиб ҳиссаларини қўшиб келишди. 1942 йилда Ойбекнинг "Навоий" романи, 1966 йилда Миркарим Осимнинг "Зулмат ичра нур" қиссаси, 2006 йилда Омон Мухторнинг "Навоий ва рассом Абулхайр" роман-дилогияси, 2021 йилда Музаффар Мирзонинг "Шам ва Шамшир" (Навоий ва Бойқаро)" роман-трилогиянинг биринчи китоби, Исажон Султоннинг "Алишер Навоий" романи юзага келди.

Исажон Султон романда мутасаввиф шоирнинг ижод психологияси, эстетик идеаллари ва озод руҳининг асл моҳиятига етиб борди. Шоир руҳининг адабий қаҳрамонларга кўчиб ўтиш жараёни, мажоз ва ҳақиқат

Scanned with ACE Scanner